

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

САФАРОВ ОТАБЕК АМРИЛЛОЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Сафаров Отабек Амриллович

Замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини
бошқаришни такомиллаштириш 3

Сафаров Отабек Амриллович

Совершенствование управления системой народного образования на
основе современных подходов менеджмента 27

Safarov Otabek Amrilloevich

Improving administration of public educational system on the basis of
contemporary management approaches 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

САФАРОВ ОТАБЕК АМРИЛЛОЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Раҳимова Дильфуза Нигматовна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғуломов Саидахор Саидахмедович Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иктисодиёт фанлари доктори, профессор
	Қосимова Дилором Собировна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Европанинг иқтисодиёти ривожланган давлатларида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари, унинг мақсадли ривожланиш йўналишлари ва мазмунига муҳим аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, замонавий иқтисодиётда ҳар қандай мамлакат умумий бойлигининг 16,0 фоизи моддий капитал, 20,0 фоизи табиий бойликлар, 64,0 фоизи инсон капиталига тўғри келиши дунё мамлакатларини таълим тизимини ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ жараёнларда замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор қаратишга мажбур этмоқда. Япония ва Германия каби давлатларда миллий бойликнинг 80,0 фоизини инсон капитали ташкил этади¹. Бошқариш назарияси ривожланишининг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, демократик тамойиллар асосида ёш авлодни тарбиялашга ҳар доим олимлар, амалиётчилар ва давлат органлари томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида «таълим тизимини бошқаришни, таълим сифатини уни баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш» долзарб вазифа этиб белгиланди. Бу эса ўз навбатида жаҳон мамлакатлари учун таълим тизими ташкилий ва бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш, самарали таълим сиёсати ҳамда бошқарув механизмларини таълим соҳасига жорий этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш шароитида узлуксиз таълим тизимини барпо этиш, мазмунини тубдан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнининг сифатини ошириш масалаларига кейинги йилларда ижобий ёндашилмоқда. Узлуксиз таълимнинг муҳим пойдевори бўлган халқ таълими тизимига бюджетнинг тахминан чорак қисми ажратилишига қарамай республика миқёсидаги умумий ўрта таълим ўқувчиларининг давлат таълим стандартлари бўйича билим даражаси 63,4 фоизни ташкил этиши бу борада жиддий ислохотларни бошлаш зарурлигини англатади². Шундай ислохотлардан бири, бу 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси³да қайд қилинган, яъни узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шундан келиб

¹ Таълим бўйича Бутунжаҳон форуми. Якуний ҳисобот. – Дакар, Сенегал, 2000 йил 26-28 апрель.

² Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда таълим секторини ривожлантириш режаси.

³ Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. //lex.uz.

чиққан ҳолда, миллий таълим тизимини жаҳондаги глобаллашув ва рақобатчиликнинг янги шарт-шароитларига ҳамоҳанг, мақбул ҳолда мослаштириш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида республикамизда таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (1997 й.), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (1997 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3304-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим сифатини бошқариш, таълим тизими бошқарув фаолиятини ташкил этиш ҳамда турли бўғин раҳбарларининг касбий ривожланиши, уларнинг малакасини ошириш йўналишлари, муаммолари бўйича хорижлик олимлардан И.Ансофф, Т. Bush, В. R. Clark, F. A. van Vught, P. Hallinger, E. L. Horng, J. W. Valentine, R. Bolam, L. Cuban, J. Lauglo, K. Leithwood, P. Sammons, R. Webb⁴ ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширганлар.

⁴Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – 221 с.; Bush, T. (2003) *Theories of Educational Leadership and Management*. 3rd edn. London: Sage.; Clark, B.R. (1983a). *The Higher Education System*. Berkeley: University of California Press; F. A. van Vught, *Policy Models and Policy Instruments in Higher Education. The Effects of governmental policy-making on the innovative behaviour of higher education institutions* / F. A. van Vught // *Political science series*. - 1995.; P. Hallinger, (2003b) 'School leadership preparation and development in global perspective: future challenges and opportunities', in P. Hallinger (ed.), *Reshaping the Landscape of School Leadership Development: A Global Perspective*. Lisse: Swets and Zeitlinger; Horng, E. L., Klasik, D., & Loeb, S. (2010). *Principal's time use and school effectiveness*. *American Journal of Education*, 116(4), 491-523.; Valentine, J. W., & Prater, M. (2011). *Instructional, transformational, and managerial leadership and student achievement: High school principals make a difference*. *NASSP Bulletin*, 0192636511404062.; Bolam, R. (1999) 'Educational administration, leadership and management: towards a research agenda', in T. Bush, L. Bell, R. Bolam, R. Glatter and P. Ribbins (eds), Cuban, L. (1988) *The Managerial Imperative and the Practice of Leadership in Schools*. Albany, NY: State University of New York Press.; Lauglo, J. (1997) 'Assessing the present importance of different forms of decentralisation in education', in K. Watson, C. Modgil and S. Modgil (eds), *Power and Responsibility in Education*. London: Cassell.; Webb, R., Vulliamy, G. A deluge of directives: conflict between collegiality and managerialism in the post-ERA primary school // *British Educational Research Journal*. – 1996. – №22(4). – pp. 441-458.

Таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳамда таълим тизимларида стратегик менежментни жорий этиш муаммолари бўйича МДХ олимларидан Ю.А.Конаржевский, Г.А.Балыхин, В.А.Гуртов, Е.А. Питухин, Л.М.Серова, Т.И.Шамова, П.И.Третьяков, Э.Д.Днепров, Г.И.Мальцева, Т.М.Давыденко⁵ илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда менежмент, таълим тизимини бошқариш, унда раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, Қ.Х.Абдурахмонов, Д.Н.Раҳимова, М.И. Икромов, А.С.Кучаров, Д.С.Қосимова, Л.В.Переғудов, М.Х.Саидов, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, М.М.Мирқосимов, Р.Ҳ.Джураев, С.Турғунов, Н.Ахмедова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, таълим тизими ва муассасалари бошқарувининг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги, таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш йўналишида У.И.Иноятлов, Р.Ш.Ахлидинов, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁶.

Аммо жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини куриш, миллий бойлик таркибида инсон капитали улушининг ошиб бориши, иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатларига мос равишда ёшларни тез ва барқарор мослаштириш жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш масалалари кенг таҳлил қилинмаган ва бу эса мазкур тадқиқот иши йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида бошқарув жараёнларини

⁵Конаржевский Ю. А. Внутришкольный менеджмент. – М., 1992.; Балыхин, Г.А. Управление развитием образования: организационно-экономический аспект Текст. / Г.А. Балыхин. — М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2003. - 428с.; Шамова Т.И., Третьяков П.И., Капустин Н.П. Название: Управление образовательными системами. Издательство: Владос. Год: 2002; Гуртов В.А., Питухин Е.А., Серова Л.М. Моделирование потребностей экономики в кадрах с профессиональным образованием // Проблемы прогнозирования. - 2007. - 6. - с. 91-107.; Днепров, Э.Д. Образовательная политика и перспективы школы. Актуальные тезисы / Э. Д. Днепров // 1 сентября.— 2000.; Мальцева, Г. И. Стратегическое управление университетом / Г. И. Мальцева // Университетское управление: практика и анализ.— 2005.— № 2.— С. 15–23.; Давыденко Т.М. Теоретические основы рефлексивного управления школой.: Автореф. дис. д-ра экон. наук. – М., 1996.–35с.

⁶Кучаров А. С.Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари. - Т : Фан.: 2005. 132 б.; Переғудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2002. - 1.84 б.; Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. – Тошкент, 2006, 553- бет; Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 159 б.; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.; Ахмедова Н.К. «Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш»: Автореф. Фалсафа докторлик дис.– Тошкент, 2017 й. – 35 б.; Иноятлов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... д-ра пед. наук. – Ташкент, 2003. – 315 с.; Ахлидинов Р.Ш. Таълимни бошқариш. – Тошкент: Шарқ, 2003.-; Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.

такомиллаштириш ва амалга ошириш методологияси» мавзусидаги давлат амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим соҳасида ислохотларни амалга ошириш жараёнида замонавий бошқарув механизмларини асослаш;

халқ таълими тизими фаолиятида бошқарувнинг хусусиятлари, тамойиллари ҳамда ривожланиш жараёнлари ва тенденцияларини баҳолаш;

халқ таълими тизими фаолиятида бошқариш самарадорлигини аниқлаш услубини таклиф этиш;

халқ таълими тизимига ажратиладиган молиявий манбалардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

халқ таълими тизимида бошқарув жараёнларини амалга оширишда замонавий менежментдан фойдаланиш ҳамда кадрларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш;

халқ таълими тизимини бошқаришнинг замонавий концепцияларининг ривожланиш тенденциялари ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ таълими тизимида фаолият юритаётган таълим муассасаларининг бошқарув фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини халқ таълими тизимининг бошқарув фаолиятини замонавий менежмент усул ва воситалари ёрдамида такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий таққослаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, кузатув, моделлаштириш, эмпирик тадқиқотлар, тажриба-синов, таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими тизимини самарали бошқариш ёндашувлари ишлаб чиқилган ва халқ таълими вазирлиги бошқарув аппаратининг назорат функцияси такомиллаштирилган;

халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг ташкилий тузилмаси персонални бошқариш принциплари асосида такомиллаштирилган;

халқ таълими тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда таълимнинг бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган;

халқ таълими туман ва шаҳар бўлимларида марказлаштирилган молия ва бухгалтерия хизматларини ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқилган.

халқ таълими тизими бошқарув бўғинлари (вилоят халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлимлари, умумий ўрта

таълим мактаблари) раҳбарларининг касбий стандартлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

халқ таълими тизими бошқарувида стратегик менежмент концепциясини жорий этиш мақсадида таълим тизими бошқарувида ахборот тизимларини қўллаш механизмлари таклиф этилган;

халқ таълими тизимининг кадрлар тайёрлаш бўйича бошқарув хизматларига талабини меҳнат бозори ҳолати ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш бўйича услубий қоидалар ишлаб чиқилган;

халқ таълими тизимида замонавий менежмент ёндашувлари асосида бошқарув фаолиятини олиб бориш, кадрларга талабни узоқ муддатли ўзгаришларга мувофиқ аниқлаш, таҳлил ва прогноз қилиш усуллари асослаб берилган;

халқ таълими тизими бошқарув бўғинлари (вилоят халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, умумий ўрта таълим мактаблари) раҳбарларининг касбий стандартлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган дастур, модель, механизм ва тавсиялардан илмий ходимлар томонидан қўлланма ва услубий тавсиялар тайёрлаш, таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тизимлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади. Мазкур тадқиқот иши доирасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган назарий-услубий қоидалардан халқ таълими тизими бошқарув аппарати функцияларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Таълим менежменти», «Ижтимоий соҳа менежменти» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса таълим тизимида, хусусан, халқ таълими тизимида замонавий менежмент ёндашувларини тадқиқ этиш, таклиф этилган менежмент модел ва механизмларидан Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чоратадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий менежмент ёндашувлари асосида таълим тизимида бошқарув механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқ таълими тизимини самарали бошқарув ёндашувлари ва бошқарув аппарати функцияларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 18 декабрдаги 6305-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вазирликда янги Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилди ҳамда халқ таълими тизимида молиявий хатоликларни 40,0 фоизга камайтириш имконияти яратилди;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим маркази фаолияти ва унинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича берилган илмий таклифлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 18 декабрдаги 6305-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида 2017 йил ноябрь-декабрь ойларида 25 млн. сўм маблағ иқтисод қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йил давомида 153 млн. сўмни ташкил этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаларининг бошқарув ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 18 декабрдаги 6305-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида Таълим сифати мониторинги, ҳуқуқшунос ва кадрлар бўйича мутахассис штатлари янгидан ташкил этилди. Бу халқ таълими тизимида ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошишини таъминлаб, таълим сифати кўрсаткичини 4,0 фоизга ошириш имконини яратди;

халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларида молиявий назорат стандартлари асосида марказлаштирилган молиявий хизматларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизими фаолиятига қўллаш учун жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 18 декабрдаги 6305-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 179 та умумтаълим мактабларида 2017 йил ноябрь ойида 143 млн. 754 минг сўм молиявий маблағ иқтисод қилинди. Бу эса 2018 йилда республика бўйича 103 млрд. 476 млн. сўмлик иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлайди;

халқ таълими тизими бошқарув бўғинлари (вилоят халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, умумий ўрта таълим мактаблари) раҳбарларининг касбий стандартларини такомиллаштириш ҳамда ушбу стандарт бўйича раҳбар ходимлар малакасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбарлари ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш институти Илмий кенгашининг 2017 йил 30 июндаги 6-сонли қарори билан амалиётга жорий этилди. Мазкур ишлаб чиқилган касбий стандарт халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг малака ошириш ўқув курсларининг мазмуни замон талабларига мослигини таъминлаш, раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолашнинг самарали воситасини яратиш, таълим менежменти йўналиши бўйича бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш имконини яратиб берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 7 та маъруза тезис нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таълим тизимини бошқаришнинг назарий-услубий асослари**» деб аталган биринчи бобида таълимни бошқариш назарияси ва услублари, таълим менежменти моделлари, таълим тизимини бошқаришда замонавий ёндашувлар, мамлакатимиз халқ таълими тизимида давлат бошқаруви тўғрисида муаллиф ёндашуви баён этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, бошқарув назарияси ривожланиш жараёнининг илк даврларида меҳнат унумдорлигини оширишда олим ва тадқиқотчилар инсоний муносабатлар ва шахс омилларига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштиришга асосий эътиборларини қаратган бўлсалар, таълим тизимлари бошқарувида илмий ёндашувларга асосланган илмий қарашлар XX асрнинг 30-йилларида янада ривожланиб, асосан АҚШда кенг тарқалган. Таълимни бошқаришнинг маъмурий усуллари айнан ушбу давр охирига келиб, янги йўналиш ва туб бурилиш ясаган ҳамда инсоний муносабатлар тамойилларига асосланган бошқарув назарияси ривожлана бошлаган. Мазкур назария асосчиларидан бири Э. Мэйо ва унинг

ғоядошлари Ж.Хоманс, М.Фоллет, А.Маслоу, Ф.Ротлисбер-герларнинг «Хоторн тажрибаси» натижасига кўра, меҳнат унумдорлигига жисмоний омиллардан кўра ижтимоий-психологик омиллар кўпроқ таъсир қилиши исботланган⁷.

Таҳлилларга кўра, таълимни бошқариш назарияси хорижий давлатлар, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада, Австралия ва Янги Зеландияда жадаллик билан ривожланиб борди. «Узоқ йиллик ривожланиш даврида ҳамда бир неча босқичли ўзгаришга учрашиши натижасида бошқарувнинг умумий назарияси соҳасида алоҳида ўрин эгаллаган илмий йўналишга айланиб улгурган»⁸.

Ҳозирги кунда жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан таълим тизимлари бошқарувини амалга оширишда бир нечта назарий моделлар ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Таълим менежменти моделлари⁹

Формал моделларнинг асосий тамойили – ташкилотлар ўзининг ташкилий жиҳати ва шакли бўйича иерархик тизимга асосланган бўлиб, унда бошқарувчилар рационал йўлни танлайди, яъни келишилган мақсад сари фаолият олиб боришади. Раҳбарлар ташкилот доирасида мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда расмий белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритади.

⁷ Mayo, Elton. Rever and industrial fatigue. Journal of Personnal Research, 3,273-281.

⁸ D.Vaillant. School leadership, trends in policies and practices, and improvement in the quality of education. / Background paper prepared for the Education for All 2000-2015: achievements and challenges/. 2015 – Paris.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Таълим бошқарувида формал моделлар турига кирувчи структурали остмодель қуйидаги даражаларга бўлинади: 1) марказий даража (республика миқёсидаги миллий даража, ҳудудий даража); 2) маҳаллий даража (туман, шаҳар миқёсидаги даража); 3) институционал даража (мактаблар ва бошқа таълим муассасалари); 4) субюнитар даража: (бошқармалар, бўлимлар, кафедралар); 5) индивидуал даража (ўқитувчилар, ходимлар, ўқувчилар).

Формал моделлар турига кирувчи рационал остмоделнинг ўзига хос ва бошқа моделлардан ажралиб турувчи жиҳатлари қарорлар қабул қилиш жараёни ташкилий тузилмадан ва белгиланган умумий мақсадларга боғлиқликлардан иборат. Шунингдек, рационал моделларнинг 5 та асосий тамойиллари мавжуд: 1) мақсад ва устувор йўналишлар (мақсаддан келиб чиқиб устувор йўналишларни белгилаш); 2) узоқ муддатли режалаштириш; 3) муқобил вариантларни баҳолаш (молиявий режалаштириш жараёнида турли хил харажатлар турларини солиштириш); 4) барча соҳадаги харажатларга яхлит қараш; 5) энг мақбул бўлган оптимал ечим вариантини танлаш (барча вариантлар баҳоланганидан сўнг).

Иерархик остмоделга асосланган таълим менежментида ташкилот ичидаги муносабатлар вертикал шаклга асосланган бўлиб, ташкилот раҳбари ўзидан юқори ташкилот раҳбарига ҳисоб беради. Мазкур моделнинг камчилиги шундан иборатки, ташкилотда ҳар бир ходимнинг бажариладиган вазифалари вертикал тақсимланади ва белгиланади. Яъни муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини белгилаш ва қарорлар қабул қилиш горизонтал алоқа йўқлиги сабабли кечикиб амалга оширилади.

Таълимни бошқариш назариясининг бир неча ўн йиллик ривожланиш даврида шакллантирилган менежментга оид усул ва моделлар, тамойиллар, ёндашув ва воситалар жаҳон таълим бошқарувида мослаштирилди.

Шунингдек, таълим менежменти ижтимоий (психология, сиёсатшунослик, социология, фалсафа, иқтисодиёт) ва аниқ (техника, математика, кибернетика, ахборот технологиялари) фанлар ютуқларидан фойдаланиш негизида тараққий этди. XXI аср бошларига келиб, таълим бошқаруви назарияси ва амалиётида жиддий ўзгариш сезила бошлади. Бу даврга қадар, таълим бошқаруви назариясида асосан, менежмент усул ва воситаларини ишлаб чиқиш гегемонлик қилган бўлса, 2000 йиллардан бошлаб эса «етакчилик» (leadership) ғояси устунлик қилаётганини кўришимиз мумкин. Таълим менежменти ғоясининг давр ўтиши билан «етакчилик» ғоясига ўзгариб боришининг асосий сабаблари шундан иборатки, бугунги кун талаблари юқори бошқарув органи қуйи поғона бошқарув бўғинига маъмарий-буйруқбозлик усулидан эмас, балки менторлик (қўллаб-қувватлаш, ўргатиш, кўмаклашиш ва ҳ.к.) вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бундай бошқарув ёндашуви эса бошқарув самарасини бир мунча ошишига сабаб бўлади.

Халқ таълими тизимининг аввалги ва ҳозирги кундаги давлат бошқарув механизмлари ҳамда дунё ҳамжамиятида замонавий таълимнинг ривожланиш тенденцияси ва парадигмаларини таҳлил қилиш нафақат мамлакатимиз таълим тизими бошқарувини такомиллаштириш, балки таълим

тизими ҳамда унинг маҳсули бўлган битирувчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат бозори ва замон талабларига мос билим ҳамда ҳаётий кўникмаларга эга профессионал кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишида таҳлилларга таянган ҳолда 1991-2000 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш ва бошқариш ўта марказлашган усулда олиб борилганлиги қайд этилди. 2004-2010 йиллар оралиғида мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури қабул қилиниши ҳамда мазкур дастур асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиши негизда таълим муассасаларини таъмирлаш, қайта қуриш, жиҳозлар билан таъминлаш ишлари аниқ манзилли, яъни эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширила бошлади.

Ушбу даврдан бошлаб, таълим тизими бошқарувида лойиҳавий ёндашув механизми қўлланила бошлади. Бу эса самарали механизм сифатида таълим бошқаруви амалиётига кириб келди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўтган даврдан буён таълим тизими бошқарув соҳасида узлуксиз таълим тизими ва унинг тузилмалари ривожланиб келмоқда. Биринчидан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ таълим тизимининг барча бўғин бошқарув органларининг ваколат доиралари белгилаб қўйилди. Иккинчидан, таълим муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш, таълим жараёнини ташкил этиш борасидаги мустақиллиги ва ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилди. Учинчидан, таълим сифатини назорат қилиш, баҳолаш ва уни бошқариш жараёни ташқи ва ички назорати, таълим муассасаларини жамоатчилик асосида бошқарув механизми йўлга қўйилди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда таълим тизими бошқарувининг асосий тамойиллари, усул ва воситаларининг ҳозирги ҳолати таҳлили»** номли иккинчи бобида республикамізда халқ таълими тизимини бошқаришда давлат бошқарув механизмлари, таълимни молиявий-иқтисодий бошқариш амалиёти ва тамойиллари, таълим тизими бошқарувида замонавий менежмент механизмлари ва бошқарув моделларини жорий этиш усуллари ёритилган.

Тадқиқотда халқ таълими тизимини бошқариш механизмлари ҳам бир қанча ўзгаришларга юз тутганлигини, ташкилий-таркибий тузилмаси ўзгариб борилганлигини кўришимиз мумкин. Халқ таълими вазирлигининг бошқаруви вертикал тузилмага асосланган бўлиб, унинг хусусиятлари қуйидагича белгиланган¹⁰:

бошқарув иерархияси бир нечта поғонадан иборат бўлиб, ҳар бир қуйи бошқарув поғонаси ундан юқори турувчи поғонага бевосита маъмурий бўйсунуши, юқори поғона органининг қабул қилинган қарорлари қуйи поғонага ижро учун мажбурий ҳисобланиши;

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3304-сонли қарори//lex.uz/

ҳар бир поғонадаги бошқарув органлари фақатгина ўзидан қуйидаги поғона органлари ва муассасаларни бошқариш ҳуқуқига эга эканлиги;

таълим сиёсати, уни ривожлантиришга қаратилган стратегик ва концептуал қарор ҳамда ташаббуслар фақатгина энг олий бошқарув орган томонидан белгиланиши ҳамда молиялаштириш марказлашган ҳолда амалга оширилиши;

кадрлар бошқаруви ҳамда уларни тегишли лавозимларга тайинланиши юқори орган томонидан амалга оширилиши ва ҳ.к.лар.

Тадқиқот ишида, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Таълим марказининг фаолият юритишига оид ташкилий-ҳуқуқий ҳужжат 1989 йилда ишлаб чиқилганлиги ва марказга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, штат бирликларининг номутаносиблиги аниқланди.

Тадқиқотда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Таълим марказининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш таклифи келтирилган. Бу таклифнинг амалиётга жорий этилиши бир йилда ўртача 153 млн. сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал

Республика таълим маркази тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар бўйича таққослаш жадвали

Амалдаги ҳолат		Таклиф этилаётган ҳолат		Фарқи (+/-)
Бўлимлар номи	Штат сони	Бўлимлар номи	Штат сони	
Филология фанлари бўлими	12,0	Филология фанлари бўлими	11,0	-1
Табиий ва аниқ фанлар бўлими	7,0	Табиий ва аниқ фанлар бўлими	8,0	+1
Хорижий тиллар бўлими	8,0	Чет тиллар бўлими	7,0	-1
Бошланғич таълим бўлими	4,0	Бошланғич таълим бўлими	4,0	0
Муסיқа, санъат, меҳнат таълими, жисмоний камолот ва саломатлик бўлими	9,0	Амалий фанлар бўлими	8,0	-1
Методик ишларни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими	11,0	Ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни жорий этиш бўлими	8,0	-3
Таълим сифати мониторинги бўлими	10,0	Таълим сифати мониторингини методик таъминлаш бўлими	9,0	-1
Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими	7,0	АКТни жорий этишни методик таъминлаш бўлими	5,0	-2
Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлаш методик таъминоти бўлими	4,0	Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлаш бўлими	3,0	-1
Ижтимоий, иқтисодий билим асослари ва маънавий-маърифий ишлар бўлими	11,0	Ижтимоий фанлар ва маънавий-маърифий ишлар бўлими	9,0	-2
Дарслик, нашриёт ва муаллифлар билан ишларни ташкил этиш бўлими	10,0	Дарслик ва ўқув-методик адабиётлар бўлими	8,0	-2
Таълим муассасаларини жиҳозлаш ва фойдаланиш методик таъминоти бўлими	2,0	Таълим муассасаларида ўқув жиҳозларидан фойдаланиш методикаси бўлими	3,0	+1
Назорат таҳлил бўлими	6,0	Назорат ва таҳлил бўлими	4,0	-2
Молия-иқтисод, ҳисобхона ва ҳўжалик ишлари бўлими	6,0	Бухгалтерия бўлими	3,0	-3
Жами	107	Жами	90	-17


Манба: Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалда келтирилган бўлимлар фаолияти ва функцияларини такомиллаштириш муносабати билан айримларининг номлари ўзгартирилди. Мазкур ҳолат мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар доирасида амалга оширилди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимини ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган устувор йўналишлар негизида бажарилди. Масалан, «Методик ишларни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар» бўлими ўрнига «Ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни жорий этиш» бўлими ташкил этилди. Шунингдек, Республика Таълим марказининг «Табиий ва аниқ фанлар бўлими» ҳамда «Таълим муассасаларини жиҳозлаш ва фойдаланиш методик таъминоти» бўлимига 1 тадан штат бирлигини қўшиш таклифи берилди.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, халқ таълими тизимини молиялаштириш ва уни бошқаришни мувофиқлаштириш бўйича йиллар мобайнида турли ёндашувлардан фойдаланиб келинди.

Халқ таълими тизимини молиялаштириш асосан давлат ҳиссаси ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, 2005 йилдан бошлаб, то ҳозирга қадар халқаро донорларнинг «Таълимда глобал ҳамкорлик ташкилоти» гранти ресурслари ва кредит маблағлари эвазига молиялаштирилмоқда. Шу билан бирга, хорижий инвестициялар ҳамда халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳам таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилди.

Халқ таълими тизимида ҳар йили бюджет маблағларининг тахминан чорак қисми ажратиб келинади (2-расм).



2-расм. Халқ таълими тизимида ажратилган бюджет маблағлари (млрд.сўм)¹¹

Маълумотларга кўра, Халқ таълими тизимида давлат бюджетидан 2014 йилда 7,04 триллионга, 2015 йилда 8,46 триллионга, 2016 йилда 9,67 триллионга ва 2017 йилда 11,60 триллионга яқин маблағ сарфланди.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотномаси асосида муаллиф ишланмаси.

Ёки бюджет маблағларининг ажратмалари 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 4 552,9 млрд. сўмга ёки 64,7 фоизга ортган. Бу эса халқ таълими тизимининг бошқарув ҳамда молиявий иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатган.

Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра назорат тафтиш комиссияси томонидан олиб борилган текширув натижаларига асосан 2016-2017 ўқув йилида халқ таълими муассасаларининг бухгалтерия тизимининг аксарият қисмида (90,0 фоизида) хато-камчиликлар аниқланган ва улар 30 млрд. сўмлик маблағни ташкил этган.

Мазкур камчиликларнинг асосий сабаби тизимда айнан молия йўналишида менежментнинг асосий вазифаларидан бири бўлган назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, айниқса ички молиявий назорат ва аудит хизматлари шаклланмаганлиги, шунингдек аксарият таълим муассасаларидаги бухгалтерларнинг тажрибасизлиги ва маълумотлилик даражаси пастлигидир.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарув аппаратида ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармаларида «Аудит ва ички назорат» бўлимини ташкил этиш ҳамда умумтаълим мактабларидаги бухгалтерлар штатини қисқартирган ҳолда ушбу ваколатни туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига бериш таклиф этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Марказлашган ҳисобхоналарни ташкил этиш муносабати билан талаб этиладиган штат бирликлари ва маблағлар ҳисоб-китоби¹²(млн.сўм)

Муассаса ва лавозим номлари	Амалдаги ҳолат		Таклиф		Фарқи	
	Штат бирлиги	Йиллик иш ҳақи фонди	Штат бирлиги	Йиллик иш ҳақи фонди	Штат бирлиги	Йиллик иш ҳақи фонди
Халқ таълими туман ва шаҳар бўлимларида марказлашган молия бухгалтерия хизматлари	-	-	1 364	18 179	+1 364	+18 179
Умумтаълим муассасалари ҳисобчилари	9128	121 655	-	-	-9128	-121655
Баркамол авлод марказлари ҳисобчилари	193	2 055	-	-	-193	-2 055
ЖАМИ	9 321	123 710	1 364	18 179	-7957	-105 531


Таҳлил натижаларига кўра, умумтаълим мактабларидаги мавжуд 9321 та бухгалтер штат бирликларини қисқартирган ҳолда, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида марказлашган ҳисобхоналарни ташкил этиш натижасида бир йилда тахминан 103 млрд. 476 млн. сўм иқтисод қилинади. Агар буни халқ таълим тизимидаги Баркамол авлод марказлари билан бирга ҳисобласак, 105 млрд. 531 сўмни ташкил этади. Ҳар бир туман халқ таълими бўлимларида мактаблар сонига қараб 7 тагача иқтисодчи, молиячи ва

¹² Муаллиф ишланмаси

ҳисобчи штатлари ажратилса, республика бўйича 1364 та янги штат бирликларига эҳтиёж сезилади. Умумтаълим мактаблари ва Баркамол авлод марказларидаги мавжуд 9321 та бухгалтер штат бирликларининг 1364 тасини туман халқ таълим бўлимлари учун ушлаб қолинса, 7957 та штат бирлигини қисқартириб, туман халқ таълими бўлимини 1364 нафар малакали кадр билан таъминлаш имконияти яратилади. Бу нафақат бюджет маблағларини иқтисод қилиш, балки катта миқдордаги давлат маблағлари талон-тарож қилинмаслиги ҳамда ундан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, тадқиқотда ҳудудий халқ таълими бошқармалари фаолияти ҳам ўрганилиб, замонавий бошқарувни ташкил этишдаги қуйидаги камчиликлар аниқланган, жумладан:

штат бирлиги камлиги, иш ҳажми кўплиги ва аниқ тақсимот мавжуд эмаслиги; таълим сифатини ошириш уни назорат қилиб бориш билан шуғулланувчи бўлим ёки штат бирлиги йўқлиги; туман ва шаҳарларда таълим сифати ва мазмундорлигини ошириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, жорий этиш билан шуғулланувчи бўлим йўқлиги; мактабдан ташқари таълим, ижтимоий ҳимоя, ўқувчиларни касбга йўналтириш, ҳуқуқий ва кадрлар масаласи билан шуғулланувчи бўлимларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказо (3-расм).



3-расм. Вилоят халқ таълими бошқармасининг тузилмаси¹³

Тадқиқот жараёнида бошқарма ҳузурида вилоят методика марказлари ҳам фаолият юритиши ҳамда халқ таълими бошқармаси томонидан қайд этилган марказдаги ходимлар бошқарувнинг турли йўналишларига жалб этилиши аниқланди. Халқ таълим вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг вилоятлардаги ушбу методика марказларида жами 196 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларнинг сони ҳар бир вилоят бўйича фарқланади, ammo бу фарқ ҳеч қандай мезонга тўғри келмайди. Яъни штат бирликларини ташкил этишда мазкур ҳудуддаги таълим муассасалари сонидан келиб чиқиб ёндашилмаган.

¹³ Мавжуд ҳолат бўйича муаллиф ишланмаси

Тадқиқот жараёнида вилоят таълим марказларини ташкил этиш бўйича республика даражасида (Ҳукумат қарори, Халқ таълими вазирлиги буйруғи) бирор бир меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Эксперт интервьюлар маълумотларига кўра, ушбу марказларни ташкил этиш вилоят ҳокимлари қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотда ҳудудий халқ таълими бошқармаларида замонавий менежментни ташкил этишнинг халқаро қиёсий таҳлили ўтказилган ҳамда АҚШ ва Жанубий Кореянинг бу борадаги илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда вилоят халқ таълими бошқармасининг замонавий ташкилий тузилмаси таклиф этилди (4-расм).



4-расм. Вилоят Халқ таълими бошқармаси тузилмасининг лойиҳаси¹⁴

Диссертациянинг «Замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган учинчи бобида таълим тизими бошқарувида стратегик менежмент механизмлари ва бошқарув моделлари, уларни халқ таълими тизими бошқарувида жорий этиш усуллари, таълим тизимининг барча бўғин раҳбар ходимларига қўйилувчи касб стандартлари, уларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш (ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш) ва таълим тизими бошқарувида ахборот тизимларидан фойдаланиш йўналишлари ёритиб берилган.

Тадқиқотда ушбу соҳада тўпланган илғор тажрибалар ҳамда замонавий таълим менежменти модель ва механизмларини тадқиқ қилиш натижасида халқ таълими бошқаруви жараёнини такомиллаштириш мақсадида «Таълим тизимини самарали бошқариш модели» таклиф этилган (5-расм).

¹⁴ Муаллиф ишланмаси



5-расм. Таълим тизimini самарали бошқариш модели¹⁵


Юқоридаги модель таҳлиллар асосида мақсад ва вазифаларни белгилашдан бошланади, яъни янгидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардаги долзарб вазифалар аниқланади; тизимда ўзгаришларни амалга ошириш зарурати белгиланади; мақсад ва вазифалар белгиланади. Илмий тадқиқот ишлари даврида тадқиқот дастури, уни амалга ошириш методикаси, анкеталар, баҳолаш варақалари ишлаб чиқилади; эксперт гуруҳи учун ўқув-тренинг ташкил этилади; таълим муассасаларида илмий тадқиқот жараёни амалга оширилади; мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражаси аниқланади; математик статистик таҳлил амалга оширилади; таҳлилий маълумотнома тайёрланади.

Халқаро тажрибаларнинг қиёсий таҳлили даврида дунёнинг ривожланган давлатларида халқ таълими тизimini самарали бошқариш моделлари таҳлил қилинади, улардан олиш мумкин бўлган элементлар изоҳланади, сўнг халқимизнинг менталитети ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат, ҳудуд, таълим муассасаси кесимида стратегия ишлаб чиқилади. Прогнозлаш ишлари олиб борилиб, натижалар тахмин қилинади, таълим сифатига таъсир этиши мумкин бўлган омиллар ва уларнинг таъсир даражаси аниқланади. Барча ресурсларни ишга солган ҳолда стратегия амалга оширилади. Стратегияни амалга ошириш натижалари баҳоланиб, ҳолат таҳлил қилинади ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланади. Цикл яна мақсад ва вазифаларни белгилаш орқали давом этади.

¹⁵Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотда аниқланишича, республикамызда таълим тизимини бошқаришда масъул вазирлик ва идораларнинг барчаси маъмурий характерга эга ташкилот сифатида асосан ижро билан шуғулланади. Таълим тизимини комплекс тарзда стратегик ривожлантириб бориш билан шуғуллунувчи ақлий марказга эҳтиёж мавжуд. Таълим тизими тараққий этган кўпгина давлатларнинг таълим вазирлиги тузилмасида ёки вазирлик ҳузурида ана шундай Think-tank (ақлий марказлар)нинг самарали фаолиятини кузатиш мумкин.

